

САНОАТ ТАРМОҒИДА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Давронбек Шарібжонович Рахимов

Фарғона давлат университети таянч докторанти

davronbek.raximov87@gmail.com

Аннотация. Мақолада саноат корхоналарининг инновацион фаолияти бошқарувини диверсификациялашнинг муҳим ташкилий-иқтисодий мақсадлари бўйича айрим ёндашувлар тадқиқ қилинган, саноат диверсификациясининг асосий натижаларидан бири ишлаб чиқилган, саноат ишлаб чиқариши ҳар икки бозор сегментларига тезкор мослашиш ҳамда диверсификациялаш жараёнларини ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат корхоналарини диверсификациялаш, инновацион фаолият, маҳсулот жисмоний ҳажми.

Abstract. The article explores some approaches to the important organizational and economic goals of diversification of innovation management of industrial enterprises, develops one of the main results of industrial diversification, develops scientific proposals and practical recommendations for the rapid adaptation and diversification of industrial production in both market segments.

Keywords: diversification of industrial enterprises, innovative activity, physical volume of products.

Аннотация. В статье исследуются некоторые подходы к важным организационно-экономическим целям диверсификации управления инновациями промышленных предприятий, разрабатывается один из основных результатов промышленной диверсификации, разрабатываются научные предложения и практические рекомендации по быстрой адаптации и диверсификации промышленного производства в обоих сегментах рынка.

Ключевые слова: диверсификация промышленных предприятий, инновационная деятельность, физический объем продукции.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ҳар қандай бошқа режали иқтисодий жараён каби ўз мақсад ва вазифалари тизимига эга. Ушбу тизимда

ташкилий-иқтисодий, молиявий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш-технологик мақсадларни ажратиш мумкин. Ҳозирги бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида барча ушбу мақсадлар гуруҳи давлатнинг стратегик инновацион иқтисодий мақсади – бутун жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш манфаатлари йўлида иқтисодиётда туб таркибий ислоҳотларни амалга оширишга бўйсундирилгандир.

Бунда биз диверсификацияга - бу мақсадга эришишга олиб келадиган омиллардан бири сифатида қараймиз. Саноат корхоналарининг инновацион фаолияти бошқарувини диверсификациялашнинг муҳим ташкилий-иқтисодий мақсадларини кўриб чиқамиз. Улардан биринчиси бозор туридаги иқтисодиёт хўжалик муҳитининг шаклланиши билан боғлиқ. Саноат корхоналари ўз ишлаб чиқаришини диверсификациялашни амалга оширган ҳолда улар учун янги бўлган товарлар бозорига чиқадилар. Бунда улар диверсификацияга мос келадиган маҳсулот турини танлаш, янги ишлаб чиқариш жараёнини ускуналар, хом ашё ва материаллар билан таъминлаш вазифаларини, янги маҳсулотни силжитиш ва сотиш муаммосини ҳал қиладилар. Уларни ҳал қилиш жараёнида корхоналар бўлимлар, хизматлар, ишлаб чиқариш бўлимлари, шўъба фирмалар янги ишлаб чиқариш дастурларини амалга ошириш учун ўз инфратуизмасини яратишлари ёки юзага келадиган муаммо ва вазифаларни ҳал қилиш учун бегона ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Бу бозор инфратуизмасини ривожлантиришга ва бозор иқтисодиёти хўжалик муҳитини шакллантиришга олиб келади.

Ва иккинчидан, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнида бозорнинг демонополлашуви икки йўналишда боради. Биринчиси – янги фирмаларнинг янги маҳсулотлар бозорига чиқиши имконини беради. Бу эса рақобатнинг кучайишига ва унинг субъектлари ўртасида бозор улушининг қайта тақсимланишига олиб келади. “ИБМ” фирмаси бор-йўғи бир йил ичида

бирданига ўз компьютерларини ишлаб чиқаришнинг 30% ига талабни қайта йўналтирган вазият кенг тарқалган. Бунда персонал ЭХМ лар бозорида “Эпл” ва “Макинтош” каби бизнеснинг ушбу соҳасида етакчи бўлган фирмаларни сиқиб чиқарган.

Иккинчиси – саноат корхоналари ва бирлашмаларининг майдалашиши (уларнинг таркибидан шўъба корхоналарни ажратиш ҳисобига), маҳсулот белгисига қараб ишлаб чиқариш фаолиятининг табақалашиши юз бериб, мазкур товар бозорининг монополлашиш имкониятини чеклайди.

Диверсификациянинг асосий молиявий-иқтисодий мақсадларини шундай вазифалар нуктаи назаридан ўрганиш зарурки, уларни ечиш орқали диверсификацияга эришилади.

Биринчиси – ички давлат қарзлари ҳажмини камайтириш, бунга саноат ишлаб чиқаришининг диверсификациялашуви ва диверсификациялашган саноат корхоналари фойда массасининг ўсиши ҳисобига давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайиши шароитида ишсизликнинг қисқариши билан боғлиқ равишда ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун давлат бюджети харажатларини қисқартириш ҳисобига ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнида эришилиши мумкин.

Иккинчиси – инфляция даражасининг пасайиши, бунга ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бошқаруви бўш капиталлар ва жамғармаларни янги товарлар ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришга жалб қилиш ҳисобига инфляция даражасини пасайтиришга олиб келиши туфайли эришилади. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жисмоний ҳажмини кенгайтириш натижасида нақд пул массасини товар билан таъминлашни кўпайтириш юз беради.

Учинчиси – мамлакат такрор ишлаб чиқариш жараёнига бўш капитал ва жамғармаларни жалб қилиш.

Тўртинчиси – диверсификацияни бошқариш шароитида корхона фойда массасини оширишга, биринчидан, уларнинг ҳаётий циклини ҳисобга олиш асосида фирма томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни оптимал уйғунлаштиришни таъминлаш билан, иккинчидан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жисмоний ҳажмларининг кенгайиши ва шу билан боғлиқ ишлаб чиқариш кўламидан тежаш ва ишлаб чиқариш дастаги самарасидан фойдаланиш орқали ва учинчидан, корхона ишлаб чиқаришини диверсификациялашда унинг рентабеллиги чегарасини камайтириш билан эришилади.

Бешинчиси – диверсификацияланаётган саноат корхонасининг молиявий мустаҳкамлик заҳирасини кўтариш, бир томондан, тушум массасини кўпайтириш оқибатида ва бошқа томондан, корхона рентабеллиги чегарасининг пасайиши билан боғлиқ равишда юз беради. Бу кўрсаткич тушумнинг пасайиш ҳажмини ифодалаб, уни корхона ўзининг молиявий аҳволи учун жиддий хавфларсиз бозор конъюнктураси ўзгарганда, сақлаши мумкин.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқапришнинг етакчи ижтимоий-иқтисодий мақсадларини ўрганган ҳолда улардан биринчиси унинг ишчилари ижтимоий ҳимояланганлигининг кучайишига ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бошқаруви саноат фирмаси ходимларининг қайта малакасини ошириши бўйича чора-тадбирлар мажмуини бажаришни кўзда тутиш ҳисобига эришилади. Янги касбларга эга бўлиш объектив равишда ишчиларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ошишига олиб келади, чунки улар ўзларининг ишга жойлашиш бўйича потенциал имкониятларини кенгайтирадилар (шу жумладан, бошқа корхоналарга ҳам). Бозор шароитида ишнинг борлиги ижтимоий ҳимояланганликнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Иккинчиси – ишчи кучи бандлигининг ошишига корхоналарда янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш ёки ишлаб чиқариш қувватларидан бир қисмини (муҳандис-техник ходим, монтажчилар ва ишлаб чиқиш, қурилиш, монтаж қилиш, силлиқлаш ва бошқалар) алмаштиришда қўшимча иш ўринлари яратиш ҳисобига эришилиши мумкин. Бевосита ишлаб чиқариш фаолияти босқичида ходимларнинг бу қисми янги усқунларга техник хизмат кўрсатишда амал қилиши мумкин. Диверсификациялашда қўшимча меҳнат ресурслари жалб қилиниши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча ёки янги маҳсулот ишлаб чиқариш маълум миқдордаги иш ўринларини яратиш ва унинг бозорда ҳаракатланиши, истеъмолчига етиб бориши ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш учун зарурлигини белгилайди.

Учинчиси – ишлаб чиқаришнинг диверсификациялашувини бошқариш давлат харажатларининг ижтимоий эҳтиёжларга (таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва ҳ.к.) қайта тақсимланишига олиб келиши ҳисобига аҳоли турмуш даражасининг ошиши ва турмуш шароитларининг яхшиланишига эришилади. Уларга сарфланган харажатлар ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга ўзига хос капитал қўйилмалар ҳисобланади. Бу эса жамият миллий бойлигининг янада ўсиши ва истиқболда тадбиркорларнинг фойдаси кўпайишига (малакалироқ ишчи кучи каттароқ даромад келтиради) шарт-шароит яратади.

Аҳоли даромадларининг ва демакки, харажатларининг ҳам барқарорлигини ва улар таркибининг ноозик-овқат товарлар фойдасига ўзгаришини таъминлайдиган аҳоли бандлик даражасининг ошиши бу мақсадга эришишга таъсир кўрсатувчи иккинчи омил бўлиб чиқади. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг ишлаб чиқариш-техник мақсадлари қуйидагилардан иборат:

Уларнинг биринчиси - бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва хусусан, саноат соҳасининг харажатли хусусиятини бартараф қилишни кўзда тутати ва

мамлакат учун муҳим роль ўйнайди. Бу мақсадга эришиш йўли юқори, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, фаннинг охириги ютуқлари асосида маҳсулотларнинг моддий ва фонд сиғимкорлигини пасайтириш бўлиши мумкинлиги умумтан олинган. Муаммони ҳал қилишнинг муҳим йўлларида бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобланади.

Иккинчиси - янги маҳсулот ишлаб чиқаришга ускуна ва технологияларни мослаштиришни тақозо этади; шу сабабдан алоҳида эътиборга арзийди. Диверсификация жараёнида янги маҳсулотни ўзлаштиришда мавжуд ускунадан фойдаланишга танлаб ёндашиш зарур. Диверсификациялашган маҳсулот таннархи бозорларда мавжуд ўхшашларидан анча юқори бўлиши хавфи мавжуд бўлиб, бу маҳсулот рақобатбардошлигининг ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишини келтириб чиқаради. Шу билан боғлиқ равишда, Л.Ефанов томонидан таклиф қилинаётган ёндашув қизиқиш уйғотади. Ушбу қарашнинг мазмуни корхонанинг уч гуруҳ ускуна ва технологияларидан янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиш нуқтаи назаридан таърифлашдан иборат.

Биринчиси. Икки томонлама йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ускуна ва технологиялар: автомобиллар, кўтарма транспорт воситалари, газ трубиналари, қурилиш материаллари ва ҳ.к. Бу энгил ва самарали йўналиш ҳисобланади. У ишлаб чиқариш-технологик жараёнларни ўзгартиришга харажатлар паст даражаси билан тавсифланади.

Л.Ефановнинг таъкидлашича, бунда маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги кўрсаткичлари биринчи ўринга чиқади.

Иккинчиси. Ишлаб чиқариш-технологик жараёнларга қисмлаб ўзгартиришлар киритилгандан кейин янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун яроқли ускуна. Бу йўналиш амалда биринчисидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Учинчиси. Янги маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун яроқсиз ёки уларни мослаштиришга катта харажатларни талаб қиладиган ускуна ва технологияларнинг тор ихтисослашган турлари. Уларнинг диверсификация жараёнидаги иштироки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин ишлаб чиқариш-техник мақсадларнинг тўртинчиси бутун ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлигини таъминлашдир. Ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш жараёнида янги турдаги ускуна ва технологияларни ўзлаштиришни амалга оширган ҳолда бунга бутун ишлаб чиқаришнинг эгилувчанлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Мавжуд ва янги, диверсификациялашган ишлаб чиқаришларда фойдаланилиши мумкин бўлган ускуналарга устуворлик бериш зарур. Бу эса саноат ишлаб чиқариши ҳар икки бозор сегментларига тезкор мослашиш имконини беради.

References

1. Voss W. Die Rustungsindustrie Zeiten.- Bre men, 1992 .-P. 82 .; Fischer M.
2. Gleichgewicht gestort Wirtschaftswoche.- 1992.- №23.-P.169.
3. Финансовый менеджмент. - М. : Перспектива,1993.-С. 105.
4. Самуэльсон П. Экономика. - М.: МГП АЛГОҲ,ВНИИСИ.- 1992.-Т.1.-
5. Финансовый менеджмент. - М. : Перспектива,1993.-С. 111.
6. Voss W. Die Rustungsindustrie Zeiten.- Bre men, 1992 .-S. 18
7. Raximov, D. S. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(3), 199-207.
8. Рахимов, Д. (2021). DETERMINED CRITERIA FOR DIVERSIFICATION IN INDUSTRIAL ENTERPRISES. *Scienceweb academic papers collection*.

9. Рахимов, Д. Ш. (2021). Саноат ишлаб чиқариш тармогида диверсификациялашган иқтисодий тизимларни яратишнинг жаҳон тажрибаси. *Хоразм Маъмун академияси*, 10(81), 262-265.
10. Рахимов, Д. Ш. (2021). САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Scientific progress*, 1(6), 505-511.
11. Rahmonaliyevich, K. D. (2020). Choosing the optimal rule of monetary policy, taking into account changes in the main macroeconomic indicators. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 10(12), 1351-1356.
12. Рахимов, Д. (2019). Свободно-экономические зоны-расширение экспортного потенциала Узбекистана. *Архивариус*, (12 (45)), 42-44.
13. Рахимов, Д. Ш. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА. In *МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ* (pp. 523-527).
14. Raximov, D. (2021, December). DETERMINED CRITERIA FOR DIVERSIFICATION IN INDUSTRIAL ENTERPRISES. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 60-64).
15. Рахимов, Д. (2020). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. *Scienceweb academic papers collection*.
16. Хахимов, Д. Р. (2019). Стратегические задачи по развитию государственно-частного партнерства. *Образование и наука в России и за рубежом*, (16), 158-161.

17. Рахимов, Д. (2018). Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини самарадорлигини ошириш. *Scienceweb academic papers collection*.
18. Рахимов, Д. (2018). Тадбиркорлик фаолияти ижтимоий-психологик хусусиятларининг маҳаллай шароитда ўрганиш. *Scienceweb academic papers collection*.
19. Khakimov, D. R. (2021). CREATING AN ADDITIONAL VALUE CHAIN IN THE PROCESS OF DIVERSIFICATION OF INDUSTRIAL LOCALIZATION. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 243-248.
20. Рахимов, Д. (2021). САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҒИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШГАН ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАРНИ ЯРАТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ. *Scienceweb academic papers collection*.
21. Рахимов, Д. (2018). ПОНЯТИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ. *Scienceweb academic papers collection*.
22. Хакимов, Д. Р. (2021). Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пул-кредит сиёсати самарадорлигининг тизимли таҳлили. *Хоразм Маъмун академияси*, 1(85), 109-113.
23. Rakhimova, L. A. (2021). IMPROVEMENT OF THE TRAINING PROCESS FOR PHYSICAL DEPARTMENTS AND ACHIEVEMENT OF EFFICIENCY. *Scientific progress*, 2(8), 76-81.